

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үч.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ГАФУРОВ АСКАРЖОН БОЙИСОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД НАЗОРАТИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора юридических наук (DSc)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of legal science (DSc)  
degree**

**Гафуров Аскаржон Бойисович**

Ўзбекистонда конституциявий суд назоратининг шаклланиши ва  
ривожланиши: назария ва амалиёт масалалари..... 3

**Гафуров Аскаржон Бойисович**

Становление и развитие конституционного судебного контроля в  
Узбекистане: вопросы теории и практики ..... 41

**Gafurov Askarjon Boyisovich**

Formation and development of constitutional judicial control in the  
Uzbekistan: theory and practice ..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 77

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Ү.22.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ГАФУРОВ АСКАРЖОН БОЙИСОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД НАЗОРАТИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ  
МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Yu148 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Саидов Акмал Холматович</b> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Мухамеджонов Амонулла Закирович</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Хошимхонов Ахрор Муминович</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 16 май куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайлгоҳ кўчаси, 35. Тел./факс: (998) 71-233-66-36/факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1143-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайлгоҳ кўчаси, 35. Тел/факс: (998) 71-233-66-36.

Диссертация автореферати 2023 йил 1 май куни тарқатилди.

(2023 йил 1 майдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

**Р.Р. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
юридик фанлар доктори,  
профессор

**Б.А. Наримонов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, юридик  
фанлар бўйича фалсафа  
доктори, доцент

**И.Р. Беков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

## **КИРИШ (юримдик фанлар доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кўплаб мамлакатлар томонидан конституциявий суд назоратини амалга ошириш билан Конституциянинг устуворлиги, ҳокимиятлар бўлиниши ва ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш принципларини қарор топтиришга бўлган интилиш барқарор демократик тенденцияга айланиб бормоқда.

Жаҳонда конституциявий назорат институти ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари давлат ҳокимияти органлари тизимининг мураккаблаш иб бораётгани, ҳуқуқий тартибга солиш зарур бўлган ижтимоий муносабатлар ҳамда конституциявий шикоят каби инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг демократик институтининг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлаш, ҳокимиятлар бўлиниши принципага риоя қилиш ва жамиятдаги сиёсий кучлар ўртасидаги мувозанатни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид халқаро стандартларни таъминлашда, жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий шикоят институтини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг роли ва ўрнини ошириш” бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бу эса конституциявий суд назоратига оид қонунчиликни таҳлил қилиш, хорижий давлатларнинг конституциявий назоратни амалга ошириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, конституциявий назоратни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда конституциявий суд ишларини юритиш масалаларини илмий тадқиқ қилиш, айниқса, фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Конституциявий суднинг ролини ошириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан конституциявий шикоят институтини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур тадқиқот иши Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 14-мақсадида белгиланган қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони этиб белгилаш ҳамда 15-мақсадида белгиланган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим илмий-назарий омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, 2021 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун ва конституциявий назоратга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу тадқиқот иши натижалари 2022–2023 йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар натижасида ишлаб чиқилган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган янгиланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси принциплари ва нормалари устуворлигини таъминлаш, ҳаётга тўғри татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Конституциявий суд назоратининг шаклланиши ва ривожланишининг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Max Planck Institute for Comparative Public Law and International Law (Германия), Oxford University (Англия), University of Chicago Law School (АҚШ), University of Sydney (Австралия), Center for Asian Legal Exchange Nagoya University (Япония), University of Melbourne (Австралия), National Science Centre Poland (Польша), Россия Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти, Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия), В.М. Корецкий номидаги Украина Фанлар академияси ҳузуридаги Давлат ва ҳуқуқ институтида олиб борилмоқда.

Шунингдек, конституциявий назоратни такомиллаштириш масалалари бир қатор халқаро ташкилотларнинг илмий лойиҳалари доирасида тадқиқ қилинган. Хусусан, Ҳуқуқ орқали демократия сари Европа комиссияси (Венеция комиссияси) томонидан конституциявий одил судловга бевосита эга бўлиш тўғрисидаги тадқиқотда турли давлатларда конституциявий назоратни амалга ошириш моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари комплекс тадқиқ қилинган.

Конституциявий назоратнинг америка ва европа моделлари, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари конституциявий судлари фаолияти профессор Войцех Садурский (Австрия) томонидан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Осиё мамлакатларида конституциявий назоратни ривожлантириш муаммолари профессорлар Том Гинзбург ҳамда Алекс Свит (АҚШ) асарларида тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланишига оид мавзуларда Г.Г. Арутюнян, Н.С. Бондарь, Г. Василевич, Н.В. Витрук, Х.И. Гаджиев, В.Д. Зорькин, А.А. Клишас, В.А. Кряжков, В.С. Кухливский, В.В. Лазерев, М.А. Митюков, Т.Я. Хабриева, Ю.Л. Шульженко, Е.В. Тарибо каби олимлар илмий

---

<sup>1</sup>Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

изланишлар олиб борганлар. Мазкур олимларнинг тадқиқот ишларида конституциявий назоратни амалга оширишнинг назарий ва амалий муаммолари ўрганилган, МДХ мамлакатларида конституциявий назоратнинг самарадорлиги танқидий таҳлил қилинган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда Конституциявий суд назоратининг у ёки бу жиҳатлари академик А.Х. Саидов, Ғ.А. Абдумажидов, А. Исматов, М.М. Миракулов, Б.Ш. Мирбабаев, О.З. Мухамеджанов, Х.Т. Одилқориев, О.Р. Караходжаева, И.Т. Тультеев, Р.Р. Хақимов, А.М. Ҳошимхонов, О.Т. Ҳусанов, Б.М. Қосимов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Конституциявий суд назоратининг турли жиҳатлари, конституциявий назорат генезиси, шаклланиши ҳамда ривожланишининг назарий ва амалий муаммолари МДХ мамлакатлари конституционалист олимлари С.А. Авакьян, О.В. Брежнев, Г. Василевич, Н.В. Витрук, Х.И. Гаджиев, А.А. Клишас, О.Е. Кутафин, В.А. Кряжков, В.В. Лазарев, Л.В. Лазарев, М. Митюков, Н.А. Марокко, В.С. Нерсисянц, С.Э. Несмеянов, И. Остапович, О.Е. Тарибо, Т.Я. Хабриева, Б.А. Страшун, Ю.Л. Шульженко, Б.С. Эбзеев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Конституциявий назорат институтининг Европа ва Америка моделлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳати АҚШ ва Европа мамлакатларида А. Бланкенагель, Войцех Садурский, Том Гинзбург, Алекс Свит, Диана Айзман, Нора Хидлинг, Лалисан Саманта, Паолия Пассаглия, Ауштра Каргаудиене, Айше Ўзкан Дуван томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда конституциявий одил судловнинг ривожланиш босқичлари ва унинг ўзига хос жиҳатларида О.З. Мухамеджанов ва россиялик олим О.В. Брежневнинг илмий мақолаларида тадқиқ қилинган. Шунингдек, конституциявий назорат органининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни ва роли Б.Ш. Мирбабоев, Х.Т. Одилқориев, Р.Р. Хақимов ва О.З. Мухамеджановларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда конституциявий судлов институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мавзусида М.М. Абдуллаева диссертация (PhD) тадқиқоти ўтказган. Мазкур тадқиқот ишининг объекти конституциявий судлов фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда конституциявий суд назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, Конституциявий суд қарорларининг норматив-ҳуқуқий ва доктринал хусусиятлари, конституциявий судлов ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари комплекс тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда конституциявий суд назорати ривожланишининг назарий ва амалий масалаларини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

конституциявий назорат генезиси ва тушунчасини илмий таҳлил қилиш асосида унинг моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ўрганиш ва ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда конституциявий суд назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳуқуқий таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш, Конституция ва қонун нормаларига расмий шарҳ бериш, алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатларини таҳлил қилиш асосида конституциявий суд ишларини юритишнинг тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

конституциявий шикоят тушунчаси, хусусияти ва моделларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, конституциявий шикоятлар бўйича конституциявий суд ишларини юритишнинг процессуал хусусиятларини очиб бериш;

конституциявий шикоят институтининг қўллаш доирасини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда конституциявий назорат институтини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, Ўзбекистонда конституциявий назорат институтини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда конституциявий суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларда конституциявий суд назорати соҳасидаги қонун ҳужжатлари, конституциявий одил судлов органларининг амалиёти ҳамда конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги илмий адабиётларда конституциявий назоратга оид илмий-назарий қарашлар ва концепциялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий изланишларнинг умумий усуллари тарихий, ҳуқуқий таҳлил, умумлаштириш, мантикий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик маълумотлар таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:**

Конституциявий суд мустақиллигини кучайтириш, судьяларнинг ижтимоий-моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Конституциявий суд



судьясига Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилишининг зарурлиги асослаб берилган;

Конституциявий суд судьяларининг тенглиги принципини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақиллигини кучайтириш мақсадида Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ва лавозимидан озод этишда Конституциявий суд судьяларининг ролини ошириш зарурлиги асослантирилган;

Конституциявий суд ишларини юритишда оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ёзма ҳужжатлар асосида иш кўриш конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида ташкилий шакли сифатида Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини оширишга, конституциявий одил судловга эришишни енгиллаштиришга, ишларни кўриш муддатларини қисқартиришга имкон бериши асослантирилган;

Конституциявий суд қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий тус касб этишига кўра Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни қайта кўриб чиқиш мажбуриятини қонунга киритиш таклифи асослаб берилган;

Қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадида қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш бўйича Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш таклифи асосланган;

Конституциявий суднинг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш мақсадида конституциявий назорат субъектлари доирасига инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни киритиш таклиф қилинган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасини Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишига қўйилган талабларга халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги масаласи ўрганилиши тўғрисидаги норма билан тўлдирилиши зарурлиги асослантирилган;

Конституциявий судда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ваколатли вакили институтини жорий қилиш зарурати асослантирилган;

Конституциявий суднинг тегишли қарори Фуқаролик процессуал кодекси (437-моддаси), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс

(269-моддаси), Иқтисодий процессуал кодекси (327-моддаси)га янги ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш асосларидан бири сифатида киритиш таклифи илгари сурилган;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ҳамда Конституция ва қонун нормаларига шарҳ бериш тўғрисидаги қарорларини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида тури сифатида белгилаш таклифи асослантилган;

Конституциявий суднинг мустақиллиги, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлашга (судья ваколатларини тиклаш, ваколатлари муддати тугаган судьянинг уни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёхуд бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаётган даврда ўртача ойлик иш ҳақи сақланиши, айтиб берилган шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслигига) қаратилган таклифларни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга киритиш асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий мамлакатлар қонунчилиги, конституциявий назоратни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, уларнинг ижобий тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш, Конституциявий суд фаолиятига оид (1990–2022 йиллар) эмпирик ва статистик маълумотлар, судьялар, судьяликка номзодлар, адвокатлар ва юридик хизмат ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси тингловчиларидан иборат 200 нафар мутахассис ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот натижаларини умумлаштириш орқали исботланган. Ишлаб чиқилган илмий ҳулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи хорижий ҳамда миллий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар эса ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан илмий тадқиқот фаолиятида, Конституциявий ҳуқуқ, Давлат ва ҳуқуқ назарияси, Инсон ҳуқуқлари каби ўқув курсларини илмий-назарий асосларини бойитишда Конституциявий назорат ва конституциявий суд ишларини юритиш, Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўқув модуллари бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтишда, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида конституциявий назорат институтининг ривожланиши билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, ҳулоса ва таклифлардан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга, Фуқаролик процессуал кодексга, Иқтисодий процессуал кодексга, Жиноят-процессуал кодексга, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда,

конституциявий одил судловга оид илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, суд амалиётида, Конституциявий ҳуқуқ, Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек Конституциявий назорат ва конституциявий суд ишларини юритиш модули бўйича маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтишда, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар куйидагиларда фойдаланилган:

Конституциявий суд мустақиллигини кучайтириш, судьяларнинг ижтимоий-моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида аввал Президент томонидан амалга оширилган айрим масалалар Конституциявий суд томонидан мустақил ҳал қилиниши зарурлиги асослантирилган таклифлар 2021 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунни қабул қилишда фойдаланилган. Мазкур қонуннинг 10-моддасига “Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Биринчи малака даражаси Конституциявий суд томонидан берилади”, деган норма киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 июлдаги 02/4-3635-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий суд мустақиллигини кучайтириш, судьяларнинг ижтимоий-моддий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилган;

Конституциявий суд судьяларининг тенглиги принципини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақиллигини кучайтириш мақсадида Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ва лавозимидан озод этишда судьялар ролини ошириш тўғрисидаги таклифлар асосида 2021 йил 27 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 18-моддаси айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги, Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари ёзма ариза берган тақдирда, Конституциявий суд томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 июлдаги 02/4-3635-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий суд судьяларининг тенглиги принципини мустаҳкамлаш, Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш ва лавозимидан озод этишда судьялар ролини ошириш ва уларнинг мустақиллигини кучайтиришга қаратилган;

Конституциявий суд ишларини юритишда оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ёзма ҳужжатлар асосида иш кўриш конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида ташкилий шакли сифатида Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, конституциявий одил судловга эришишни енгиллаштириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш имкониятини бериши тўғрисидаги таклифга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 32-моддаси

қуйидаги мазмунда учинчи қисм билан тўлдирилган: “Мурожаатни дастлабки тарзда ўрганиш конституциявий суд ишларини юритишнинг мажбурий босқичидир”. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 июлдаги 02/4-3635-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий судда мурожаатларни дастлабки тарзда ўрганиш ва уларни қонун талабларига мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Конституциявий суд ишларини юритишда оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ёзма ҳужжатлар асосида иш кўриш конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида ташкилий шакли сифатида Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, конституциявий одил судловга эришишни енгиллаштириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартиришга имкон бериши тўғрисидаги таклифга асосан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 53-моддасида конституциявий суд ишларини юритишда оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ёзма ҳужжатлар асосида иш кўриш мумкинлиги белгилаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 июлдаги 02/4-3635-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, конституциявий одил судловга эришишни енгиллаштириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш имкониятини берган;

Конституциявий суд қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий характер касб этишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни қайта кўриб чиқиш мажбуриятини қонунга киритиш тўғрисидаги таклиф асосида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 73-моддаси қуйидаги мазмундаги норма билан тўлдирилган: “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарорлар қабул қилган давлат органлари уларни бир ой ичида қайтадан кўриб чиқиши керак” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3 июлдаги 02/4-3635-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши Конституциявий суд қарорининг қатъийлиги ва Конституция нормалари устуворлигини таъминлашга хизмат қилган;

Қонун нормаларининг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш тартибини соддалаштириш, унинг субъектлари доирасини кенгайтириш мақсадида қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш бўйича Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш тўғрисидаги таклифга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармонида 2-Илова “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий

стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 22-бандига фуқаролар ва юридик шахсларга қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш бўйича Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқини бериш ҳамда тўғрисидаги чора-тадбир белгиланган. Ушбу таклифнинг амалга оширилиши мамлакатда фуқароларни конституциявий одил судловга эришиш ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилган.

Конституциявий суднинг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш мақсадида конституциявий назорат субъектлари доирасига инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни киритиш ҳақидаги таклифга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармонида 2-Илова “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 22-бандига конституциявий назорат субъектлари доирасига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини киритиш белгиланган. Ушбу таклифнинг амалга оширилиши мамлакатда фуқароларни конституциявий одил судловга эришишда миллий институтларнинг ролини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари, илмий хулосалар халқаро ҳамда республика даражасидаги илмий-амалий ўқув семинарлари, конференциялар ва давра суҳбатларида, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 22 та мақола (21 та республика ва 1 та хорижий журналда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 12 параграфдан иборат бўлган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми (адабиётлар рўйхати ва иловаларсиз) 217 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган ҳамда тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот

натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Конституциявий назоратнинг назарий масалалари. Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг шаклланиши”** деб номланади, унда мавзунинг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган бўлиб, конституциявий назорат тушунчаси, унинг моҳияти ва генезиси, Ўзбекистонда конституциявий суд назорати ривожланишининг асосий босқичлари ҳамда бугунги кундаги ҳолати комплекс тадқиқ қилинган.

*“Конституциявий назорат генезиси, тушунчаси ва моҳияти”*га бағишланган параграфда конституциявий назорат институтининг вужудга келиши, дастлаб Америкада, XX асрга келиб Европада тарқалиши бевосита конституциянинг мамлакатнинг асосий қонуни сифатида устуворлиги концепцияси тан олинishi билан боғлиқ эканлиги очиб берилган. Конституциявий назорат институтининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида америка ва европа моделлари шаклланиши хусусиятлари таҳлил қилинган. МДХ мамлакатлари ҳуқуқий тизимида эса конституциявий назорат институти XX асрнинг 90-йилларига келиб бутун дунёда социалистик тузум инқирози натижаси ўлароқ вужудга келган. Ушбу мамлакатларда конституциявий назорат институти Европа мамлакатлари конституциявий судлари амалиёти таъсири остида шаклланиб, ривожланган. Натижада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда конституциявий назорат институти европа моделига асосланган.

Диссертант конституциявий назоратнинг генезиси ва унинг ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида ушбу институт доимо тараққий этиб, кенгайиб бормоқда, деган хулосага келган. Конституциявий назоратнинг ривожланиши давлат ҳокимияти тузилишининг мураккаблашиб бораётгани, ҳуқуқий тартибга солиш зарур бўлган ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши, давлат органлари ва ҳуқуқий нормаларнинг иерархик тартибга эга бўлиши, ҳокимиятлар бўлиниши ва ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлашга йўналтирилган.

Диссертацияда А.Х. Саидов, Т.Я. Хабриева, Г. Кельзен, А. Бланкенагель, Г.Г. Арутюнян, С.А. Авакьян, Ю.Л. Шульженко, Б. Исмоиловларнинг конституциявий назорат тушунчаси ҳамда моҳияти ҳақидаги қарашлари таҳлил этилиб, конституциявий назорат моҳияти очиб берилган. Диссертант томонидан қилинган таҳлиллار натижасида конституциявий назорат тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган. “Конституциявий назорат – конституциявий одил судлов органи томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция нормаларига мувофиқлигини аниқлаш, ундаги зиддиятларни бартараф этиш билан мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш, Конституция устуворлиги принципини қарор топтириш ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятдир”.

“Ўзбекистонда конституциявий суд назорати ривожланишининг асосий босқичлари”га бағишланган параграфда архив материаллари асосида муаллиф Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини таҳлил қилган.

Диссертацияда О.З. Мухамаджонов ва М. Абдуллаеванинг тадқиқотларида конституциявий назорат институтининг ривожланиши уч босқичга: биринчи босқич 1990 йилдан 1995 йилгача, иккинчи босқич 1995 йилдан 2017 йилгача, учинчи босқични 2017 йилдан бугунги кунгача бўлган даврга бўлинганлиги, бундай ёндашувни инкор этмаган ҳолда мазкур тадқиқотларда конституциявий назоратнинг турли босқичларда ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаганлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда конституциявий назорат институтининг вужудга келиши собиқ совет мамлакатларида мустақил давлатчиликни шакллантириш, замонавий демократик давлат барпо этишга интилиш тенденциялари билан боғлиқлиги, собиқ совет давлатларида янги Конституция қабул қилиниши ва суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказилиши жараёнлари билан ҳар бир мамлакат тарихий ривожланиши, миллий менталитети, давлат тузилишининг хусусиятлари ва бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзига хос жиҳатларига эга бўлганлиги кўрсатиб берилган.

Диссертант 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Конституциявий назорат комитети ташкил қилиниши Ўзбекистонда тўлақонли конституциявий суд назорати институтини жорий этишга ўтиш даври бўлган деб ҳисоблайди. Конституциявий назорат комитети ташкил этилиши ва унга конституциявий назорат функциясининг юклатилиши ўша даврда мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида муҳим воқелик бўлган. Шунга қарамай, Комитет томонидан амалга оширилган конституциявий назоратни самарали деб бўлмади. Комитетнинг ваколатлари тўлақонли конституциявий назоратни амалга оширишга имкон бермаган. Диссертантнинг фикрича, қонунда Конституциявий назорат комитети сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассисларидан иборат бўлиши белгилаб қўйилганлиги конституциявий назоратга конституциявий одил судловни амалга ошириш эмас, балки муайян сиёсий-ҳуқуқий фаолият тури сифатида ёндашилганидан далолат беради. Конституциявий назорат шаклланишининг дастлабки босқичида тўпланган тажриба Ўзбекистонда Европа моделига асосланган махсус конституциявий суд назорати институти вужудга келишига замин яратган. Буни Конституциявий назорат комитети фаолиятида қўлланган айрим нормалар, Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан суд муҳокамасига масала киритиш ҳамда сиёсат соҳасидаги мутахассислар Конституциявий суд судьяси лавозимига сайланиши мумкинлиги каби нормалар кейинчалик ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига “мерос” бўлиб ўтганлигида кўриш мумкин.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатда тўлақонли конституциявий судлов назоратини

шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асосини яратди. 1995 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайланган ва мамлакатда конституциявий одил судлов органи фаолиятини бошлаган. Муаллифнинг фикрича, бу давр халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва ривожланган демократик давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон ҳуқуқий тизими шаклланиши билан тавсифланади. Бу даврда Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини кўриб чиқадиган мустақил конституциявий назорат институти сифатида қарор топган.

2017 йил 31 майда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда конституциявий назоратни такомиллаштириш, Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш, судьялар мустақиллигини кучайтириш, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида конституциявий одил судловни амалга ошириш жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни бартараф этиш имконини берди. Шунга қарамай, конституциявий назоратни самарали амалга оширишда муайян муаммолар сақланиб қолганлиги, конституциявий назорат институти такомиллаштиришга муҳтожлиги кўрсатиб берилган.

*Ўзбекистонда конституциявий назоратнинг бугунги кундаги ҳолатининг таҳлили*”га бағишланган параграфда 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан конституциявий назоратнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Янги конституциявий қонун қабул қилиниши, диссертантнинг фикрича, мамлакатда конституциявий одил судлов ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. Бу биринчи марта мамлакатда конституциявий шикоят институти жорий этилиши, Конституциявий судга муайян ишда қўлланган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқиш ваколати юклатилиши, шунингдек, айрим тоифадаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларининг қонунда белгилаб қўйилиши билан асослантилган. Конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши Конституциявий суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш функциясини кучайтиришга хизмат қилади, деган хулосага келинган. Шу билан бирга, муаллиф мазкур институтнинг самарали бўлиши учун қонунда конституциявий шикоятнинг мақбуллиги мезонларини белгилаб қўйиш, Конституциявий суд девонига фуқаролар мурожаатларининг қонун талабларига мослиги нуқтаи назаридан дастлабки тарзда ўрганиб чиқиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистонда конституциявий суд назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари”га бағишланган бўлиб, унда Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган.



*“Конституциявий суд назоратини амалга оширишда Конституциявий суд ва парламент палаталари муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари”* га бағишланган параграфда Конституциявий суднинг парламент палаталари билан ўзаро муносабатлари чуқур таҳлил қилинган. Парламент палаталари конституциявий назорат субъекти сифатида давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига нисбатан Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти кенгроқ эканлигига эътибор қаратилган.

Диссертацияда айрим олимлар томонидан Конституциявий суднинг “мувозанатни таъминловчи” ролига эътибор қаратилади. Масалан, профессор М.А.Ахмедшаеванинг фикрича, қонун чиқарувчи ҳокимиятга нисбатан амалдаги “ўзаро тийиб турувчи ва мувозанатда ушлаб турувчи” ташкилий-ҳуқуқий чоралар сирасига, аввало, Конституциявий суд томонидан қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мослигини текшириш ваколатини кўрсатиш жоиз (конституциявий контроль)<sup>2</sup>. Профессор Р.Р.Ҳақимов эса “Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталари қарорлари устидан конституциявий назоратни амалга ошириши, яъни уларнинг Конституцияга мослигини аниқлаши давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини кафолатлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади”<sup>3</sup>, деб ҳисоблайди. Диссертант мазкур фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда конституциявий назорат институти давлат ҳокимияти тармоқларининг мустақиллиги ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда бир-бирини тийиб туриш ва назорат қилишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 41-моддасида тарафлар ва уларнинг вакиллари сифатида “Конституцияга мувофиқлиги аниқланиши ёки шарҳ берилиши лозим бўлган тегишли ҳужжатни қабул қилган давлат органи ёки мансабдор шахс” бўлиши белгиланган. Қонун Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади ва Сенат томонидан маъқулланади, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, эълон қилинади. Шунга кўра диссертант қонуннинг қабул қилиниши ва кучга кириши учта субъектнинг иродасига боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Айни пайтда шунга эътибор қаратиш лозимки, қонун конституциявий суд ишларида иштирок этувчи тарафларни “даъвогар” ва “жавобгар”га ажратмайди<sup>4</sup>.

Шунингдек, Конституциявий судда қонуннинг конституциявийлиги масаласини кўриб чиқишда қайси давлат органи тараф сифатида суд муҳокамасига жалб этилиши тўғрисида қонунда аниқлик йўқ. Адабиётларда

<sup>2</sup> Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари. – Т.: ТДЮУ, 2016. 82-б.

<sup>3</sup> Ҳақимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Масъул муҳаррир ю.ф.н. Ф.Э. Мухамедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, 2012. 96-б.

<sup>4</sup> Изоҳ: Арманистон ва Грузия республикаларининг қонунчилигида “даъвогар” ва “жавобгар” белгиланган бўлиб, унга кўра, баъзи бир ҳолларда қонуннинг конституциявийлигини кўриб чиқиш юзасидан суд мажлисида парламент жавобгар тараф сифатида жалб этилиши мумкин.

Конституциявий судда қонуннинг конституциявийлигини кўриб чиқиш бўйича тараф сифатида уни қабул қилган парламент палаталари бўлиши керак, деган фикрлар учрайди<sup>5</sup>. Диссертант мазкур фикрни кўллаб-қувватлаб, қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги юзасидан Конституциявий суд ишларини юритишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Олий Мажлис Сенати бир тараф сифатида иштирок этиши лозим, деб ҳисоблайди. Чунки қонун қонунчилик ҳокимиятининг “маҳсули” бўлиб, уни қабул қилиш парламентнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

*“Конституциявий суд назоратини амалга оширишда Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари”*га бағишланган параграфда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи сифатида Конституциявий суд таркибини шакллантиришда бевосита иштирок этиши, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари конституциявий назорат объекти сифатида Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши таҳлил қилинган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи Конституциявий судда кўриб чиқилиши мумкинлиги, бироқ қонунда мазкур масала ким томонидан Конституциявий судга киритилиши белгиланмаганлигига эътибор қаратган. Мазкур масалани таҳлил қилиш асосида конституциявий қонунлар ва халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Президент томонидан имзолангунига қадар Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш масаласини қайси субъект Конституциявий судга киритиши мумкинлигини қонунда аниқ белгилаб қўйиш таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасига мувофиқ, парламент Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида тарқатиб юборилиши мумкин. Яъни Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис палаталари тарқатиб юборилади. Мазкур жараёнда Конституциявий суднинг иштироки унинг тўлиқ конституциявий-ҳуқуқий асосларда амалга оширилишини кафолатлашга хизмат қилади. Бундай конституциявий норма парламент фаолиятида жиддий инкироз юз берганда қонунчилик ҳокимиятининг фаолияти конституциявий-ҳуқуқий доирада бўлишини таъминлашга қаратилган. Аммо бундай вазият юз берганда уни амалга ошириш тартиби қонунда белгиланмаган. Шунингдек, парламент

---

<sup>5</sup> Қаранг: Никитина А.В. “Конституционный судебный процесс как форма разрешения конституционно-правовых споров: тенденции зарубежного правового регулирования”. // Право и политика, 2018. №8. С. 89.

палаталари таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда деган ҳолат ноаниқ бўлиб, бунда ҳар икки палата ўртасида юз берган ихтилофлар ёки ҳар бир палатанинг таркибида юз берган ихтилофлар назарда тутилганлиги мавҳум эканлигига эътибор қаратилган. Мазкур конституциявий нормада қўлланган “бамаслаҳат” сўзи ҳам юридик жиҳатдан ноаниқ бўлиб, ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб қарор қабул қилишни назарда тутди. Диссертант Конституциянинг бошқа моддалари (81- ва 119-моддалар) матнида “келишилган ҳолда” сўзлари билан ифодаланганлигини эътиборга олиб, Конституциянинг 95-моддасида Олий Мажлис палаталари Президент томонидан Конституциявий суд билан келишилган ҳолда қабул қилган қарори асосида тарқатиб юборилиши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан ўзаро муносабатларининг яна бир йўналиши ҳар йили парламент палаталаридан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси билан боғлиқ. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотининг мақоми, унда кўтарилган масалаларни кўриб чиқишнинг мажбурийлиги ёки тавсиявий бўлиши тўғрисидаги масалалар очик қолган. Тадқиқотчининг фикрича, Конституциявий суднинг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахбороти юзасидан муайян муддатда тегишли чора-тадбирлар кўришни белгиловчи норма қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши керак.

*“Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан конституциявий суд назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари”*га бағишланган параграфда Конституциявий суднинг Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари таҳлил қилинган. Диссертацияда Конституциявий суд ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатиб берилган:

Биринчи, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари конституциявий назорат объектига киради. Конституциявий суднинг ҳукумат қарорининг конституциявийлигини текшириш юзасидан қабул қилган қарори мажбурий хусусията эга, Вазирлар Маҳкамаси тегишли қарорини бир ой ичида бекор қилиши ёки уни Конституцияга мувофиқлаштириш чораларини кўриши керак.

Иккинчи, Конституциявий суд фаолиятини молиялаштириш ҳукумат томонидан амалга оширилади. Қонунда Конституциявий суднинг фаолиятини молиялаштириш Давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилиши белгиланган. Диссертантнинг фикрича, мазкур норма Конституциявий суднинг молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, суднинг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрнини белгилайди. Диссертацияда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб,

Конституциявий суднинг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 91-моддасида Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни камайтириш мумкин эмаслиги, ажратилаётган молиявий маблағлар таркиби аниқ кўрсатилиши таклиф қилинган.

Учинчи, Конституциявий суднинг Адлия вазирлиги билан ҳамкорлиги ҳам ижро ҳокимияти билан ўзаро муносабатларининг бир йўналиши сифатида тадқиқ қилинган. Адлия вазирлиги конституциявий назорат субъекти эмас. Бироқ вазирлик ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиши эътиборидан конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиси ҳисобланади. Яъни Адлия вазири нафақат Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган масалалар юзасидан, балки бошқа субъектлар томонидан киритилган масалалар бўйича ҳам Конституциявий суд мажлисларида иштирок этиши, муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилиши мумкин. Бинбарин, Адлия вазирлиги конституциявий суд ишларини юритишнинг иштирокчиси сифатида конституциявий назоратни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Диссертацияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив тусдаги қарорлари Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилиши таҳлил қилиниб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг конституциявийлиги ва қонунийлигини таъминлаш ҳуқуқий жиҳатдан етарлича тартибга солинган, деган хулосага келинган.

Ҳокимият бўлиниши принципи ҳар бир давлат органи Конституция ва қонунларда белгиланган ваколати доирасида фаолият юритишини тақозо этади. Муайян фаолиятнинг бир нечта давлат органи томонидан амалга оширилиши, уларнинг фаолиятида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ёндашувларга олиб келиши, қарама-қарши ва зиддиятли қарорлар чиқарилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда турли низолар, норозиликларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай низолар ҳокимиятлар бўлиниши принципи нуқтаи назаридан конституциявий-ҳуқуқий низо сифатида таснифланиши мумкин. Бинобарин, давлат органлари ўртасида ваколатларнинг бўлинишига оид низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ҳорижий мамлакатларда Конституциявий судлар ваколатига киритилган. Ўзбекистонда бундай амалиёт жорий этилиши ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, давлат органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлашнинг самарали тизимини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Диссертант давлатнинг ижро ҳокимияти органлари тизимига кирадиган вазирликлар, давлат қўмиталари давлат органлари ўртасида ўзаро тий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатини чеклаш ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

*“Конституциявий суд назоратини амалга оширишда Конституциявий суднинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокурори билан ўзаро*

*муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари*”га бағишланган параграфда Конституциявий суднинг Олий суд билан ўзаро муносабатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Олий суд Пленуми Олий суд раисининг муайян ишда қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги судлар ташаббуси билан киритилган масалалар юзасидан Конституциявий судга мурожаат киритиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқади.

Диссертант процессуал қонун ҳужжатларида суд ишни Конституциявий суд томонидан кўрилатган бошқа иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилгунига қадар кўриш имкони бўлмаган ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши шартлиги, айти пайтда судьяда иш юритишдаги масалани ҳал қилиш учун кўриб чиқаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилганда у қандай йўл тутиши мумкинлиги очиқ қолган, деб ҳисоблайди. Бундай вазиятда судья юқори турувчи инстанция судига мурожаат қилдимми ёки бевосита Олий судгами? Қонун ҳужжатларида бу борада аниқлик йўқ. Бундай ноаниқлик амалиётда судьялар томонидан Конституциявий судга мурожаат қилиш масаласини кўтаришдан ўзини тийишга, муайян ишда қўлланадиган қонун ҳужжатларининг конституциявийлик асосларини эътиборга олмасликка олиб келади. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида диссертант бугунги кунга қадар муайян ишда қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан Конституциявий судга бирон марта ҳам мурожаат киритилмаганлигига эътибор қаратади. Тадқиқотчи умумий юрисдикция суди судьяларига Конституциявий судга бевосита масала киритиш ҳуқуқининг берилиши мазкур ҳолатга ечим бўлиши мумкин, деган хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори конституциявий назорат субъекти ҳамда конституциявий суд ишларини юритиш иштирокчиси ҳисобланади. Бош прокурорнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари конституциявий назорат объектига киритилган. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлардан ташқари бошқа буйруқлари ва ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Тадқиқотчи Бош прокурор томонидан норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжат қабул қилиш масаласи мунозарали деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда Бош прокурор томонидан умумажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати белгиланмаганлигига эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистонда конституциявий назорат органи ҳокимиятлар бўлиниши тизимининг муҳим бўғини, Конституциявий суднинг

давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатлари демократик мезонларга мос келади, деган хулосага келинган.

Диссертант Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш асосида Конституциявий судда вакиллик институтини жорий этиш таклифини илгари сурган. Бунда асосан конституциявий назорат субъектлари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва Бош прокурорнинг Конституциявий судда ваколатли вакилларини белгилаш амалиётини киритиш таклиф этилади.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Конституциявий суд назоратини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш масалалари. Конституциявий суд қарорларининг хусусиятлари”** тадқиқ қилинган. Унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини кўриб чиқиш, Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш ҳамда алоҳида тоифадаги ишларни кўриш хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, мазкур бобда конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий принциплари ҳамда суд ишларини юритишни такомиллаштириш масалалари, Конституциявий суд қарорларининг норматив-ҳуқуқий ва доктринал хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган

*“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари”*ни таҳлил қилишга бағишланган параграфда Конституциявий суд томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Унда Конституциявий судда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатиб берилган:

*биринчидан*, Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғдирган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан қарорлар қабул қилиши. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 4-моддасида Конституциявий суд томонидан текшириладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси аниқ белгилаб қўйилган. Буларга қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари киради;

*иккинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириб, текширилган ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ҳам тегишли қарор чиқариши мумкин;

*учинчидан*, ишларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд қонунни ёки унинг бир қисмини Конституцияга мувофиқ деб топиб, уларда мазкур қонуннинг ёки унинг бир қисмининг амалиётда нотўғри ёхуд

зиддиятли тарзда қўлланишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда ушбу қонун нормасига шарҳ (казуал шарҳ) бериши мумкин;

*тўртинчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриши мумкин;

*бешинчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини Конституцияга мувофиқ деб топиб, уларда мазкур ҳужжатнинг ёки унинг бир қисмининг амалиётда нотўғри ёхуд зиддиятли тарзда қўлланишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда унга расмий шарҳ бериши мумкин.

Диссертацияда референдумда қабул қилинган қонунлар ва Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунларнинг конституциявийлигини аниқлаш хусусида адабиётларда билдирилган турли фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинган. Масалан, Н.В. Витрукнинг референдумда қабул қилинган қонун умумхалқ овоз бериши натижасида қабул қилинганлиги туфайли Асосий қонун каби олий юридик кучга эга бўлиши, бундай қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш халқнинг референдумда билдирган иродасига қарши қўйишга олиб келиши тўғрисидаги фикрига таяниб, референдумда қабул қилинган қонун конституциявий назорат объекти бўлиши мумкин эмас, деган фикрга келган. Шунга кўра, муаллиф референдумга қўйилаётган масаланинг Конституция нормаларига мувофиқлигини дастлабки конституциявий назорат тартибида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, муаллиф Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун айрим хорижий мамлакатлар (Украина, Молдова, Туркия, Беларусь, Озарбайжон) конституциявий судлари амалиётида дастлабки назорат предмети бўлиши мумкинлигига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Конституциявий судга дастлабки назорат тартибида кўриб чиқиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрга келган. Шунингдек, қонунда ушбу масалани Конституциявий судга киритиш ҳуқуқи барча субъектларга эмас, балки фақат муайян субъектларга берилишини белгилаш лозимлиги таъкидланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи томонидан киритилишини белгилаб қўйиш таклиф қилинган.

*“Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш тўғрисидаги ишларни юритишининг ўзига хос жиҳатлари”* деб номланган параграфда Конституцияни шарҳлаш конституциявий ҳуқуқ фанининг муҳим

масалаларидан бири, конституциявий нормаларни шарҳлаш тўғрисидаги қарор илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик бўлган ҳуқуқий ҳужжат сифатида тавсифланган. Ҳуқуқий шарҳлашнинг бошқа турларидан фарқли равишда Конституцияни расмий шарҳлаш мажбурий хусусиятга эга. Демак, конституциявий одил судлов органлари томонидан Конституция устунлиги принципини таъминлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини текшириш билан бир қаторда Асосий қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацияда Конституция ва қонун нормаларига Конституциявий суд томонидан расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг қуйидаги хусусиятлари кўрсатиб берилган:

*биринчидан*, Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш учун уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланишига олиб келган чалкашликлар аниқланган бўлиши лозим. Расмий шарҳ бериш сўрови баён этилган мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир важлар ҳамда далиллар тақдим қилиниши зарур;

*иккинчидан*, тегишли нормаларни расмий шарҳлаш жараёнида уларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши мумкин эмас. Яъни Конституциявий суднинг шарҳи янги норма яратилишига олиб келмаслиги керак;

*учинчидан*, қонунга мувофиқ Конституциявий суд қонун нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишларни оғзаки эшитувлар ўтказмасдан кўриши мумкин.

Конституциявий судга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаат фақат Конституциявий қонуннинг 27-моддасида белгиланган субъектлар томонидан киритилиши мумкин. Хорижий мамлакатлар амалиётида (Арманистон, Озарбайжон, Украина, Латвия, Германия, Италия, Испания) Конституция нормаларига расмий шарҳ бериш сўрови билан Конституциявий судга фақат қонунда аниқ белгиланган субъектлар мурожаат қилиши мумкин. Муаллиф хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига расмий шарҳ беришни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва Бош прокуратура бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, диссертацияда қонунни қабул қилган орган сифатида унга расмий шарҳ бериш парламент томонидан амалга оширилиши мумкинлиги, бироқ амалиётда Олий Мажлис палаталари томонидан қонунни шарҳлаш амалиёти йўқлигига эътибор қаратган. Диссертантнинг фикрича, парламент қонунларга расмий шарҳ бериши, Конституциявий суд эса фақат Конституция нормаларига расмий шарҳ бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

*“Конституциявий судда айрим тоифадаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари”*га оид параграфда айрим тоифадаги ишлар сифатида



халқаро шартномаларнинг конституциявийлигини кўриб чиқишнинг хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан комплекс тадқиқ қилинган. Диссертантнинг фикрича, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун муайян ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилмаган, бундай қонун ташкилий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг халқаро шартномада белгиланган мажбуриятларни қабул қилишга розилигини ҳуқуқий жиҳатдан ифодалайди. Шу муносабат билан, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 83-моддасида халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлигини текшириш мезонлари ва доирасини аниқ белгилаб қўйиш таклифи илгари сурилган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг белгиланган тартибда ратификация қилинган ва кучга киритилган халқаро шартномалари мамлакат қонунчилигининг таркибий қисмига киради, халқаро шартнома қонунларга нисбатан юқори юридик кучга эга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига нисбатан устуворликка эга эмас, деган хулосага келган.

Диссертацияда Олий суднинг муайян ишда қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини Конституциявий судда кўриб чиқиш тартиби қонунда белгиланмаганлигига эътибор қаратилган. Бундай тоифадаги ишлар аниқ назорат тартибида кўриб чиқилади. Бундай назоратни амалга ошириш учун қонунда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш асослари, ушбу ишнинг хусусиятлари ўз ифодасини топган бўлиши ҳамда эътиборга олинishi зарур.

Муаллиф умумий юрисдикция судининг қарори учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциявий суднинг қарори билан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган ҳолларда умумий юрисдикция судининг кучга кирган қарорини қайта кўриб чиқиш масаласи очик қолган, деб ҳисоблайди. Ушбу масала бўйича хорижий мамлакатлар амалиёти таҳлил қилинган. Жумладан, процессуал қонунларда “янги очилган ҳолатлар” ва “янги ҳолатлар” тушунчалари фарқланганлигига эътибор қаратади. Янги ҳолатлар сифатида суд ҳужжати қабул қилингандан кейин вужудга келган, лекин ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар эътироф этилади. Бундай ҳолатлар жумласига хорижий мамлакатларда (Россия, Озарбайжон, Қирғизистон, Украина) Конституциявий суди томонидан умумий юрисдикция судлари муайян ишда қўллаган қонун Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган ҳолатлар ҳам киради. Мазкур таҳлилларга таяниб, диссертант Конституциявий суднинг муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Конституцияга мувофиқ эмас деб топиш тўғрисидаги қарори умумий юрисдикция судлари учун янги ҳолат сифатида эътироф этилиши керак, деган хулосага келган. Диссертацияда Конституциявий суднинг тегишли қарори Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (437-моддаси), Маъмурий суд ишларини юритиш

тўғрисидаги кодекси (269-моддаси), Иқтисодий процессуал кодекси (327-моддаси)га янги ҳолат тушунчасини киритиш ҳамда Конституциявий суднинг қарорини янги ҳолат бўйича ишни қайта кўриш асосларидан бири сифатида белгилаш таклиф этилган.

*“Конституциявий суд ишларини юритишнинг асосий принциплари. Конституциявий суд ишларини юритишни такомиллаштириш масалалари”*га бағишланган параграфда конституциявий ишларини юритишнинг асосий принциплари хусусиятлари ва моҳияти очиб берилган. Конституциявий суд ишларини юритиш принциплари ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги ҳамда бир-бирини тўлдириши, конституциявий суд ишларини юритишнинг ўзига хослиги таҳлил қилинган.

Конституциявий судлов ишларини юритиш принциплари конституциявий судлов жараёнларига бир бутун институциявий яхлитликни беради, конституциявий суд ишларини юритиш процессининг барча иштирокчилари хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий доирада амалга оширилишини таъминлайди.

Конституциявий суд ишларини юритишнинг умумий принциплари Конституциявий суд фаолиятининг ташкилий жиҳатлари, унинг мақоми, ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини шакллантириш, махсус конституциявий назорат институти сифатида суд тизимидаги ўрни ва мақомини кўрсатиб беради. Махсус принциплар конституциявий одил судловни амалга оширишнинг умумий қоидалари, суд ишларини кўриб чиқишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари очиб берилган.

Конституциявий назоратни амалга оширишда конституциявийлик презумпцияси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур принцип, муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг регламентида белгиланган бўлиб, унинг конституциявий одил судловнинг асосий принципи сифатида *“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”*ги Конституциявий қонунда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Конституциявий суднинг процессуал фаоллиги принципи ишни суд муҳокамасига тайёрлаш ва суд муҳокамаси жараёнида иш бўйича ўз ҳуқуқий позициясини шакллантириш ва якуний қарор қабул қилиш мақсадида суд мурожаатни тўлиқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш бўйича барча процессуал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, материалларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарафларнинг фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ҳамда ўрганиш, экспертлар хулосаларини олиш, мутахассислардан маслаҳат олиш, иш бўйича манфаатдор идоралар вакилларини чақириш, уларнинг фикрларини ўрганишни талаб қилади.

Диссертант конституциявий суд ишларини юритиш жараёнини таҳлил қилиб, уни шартли равишда уч босқичга бўлган: *Биринчи босқич* Конституциявий судга масала киритиш. Конституциявий судда масалани дастлабки тарзда ўрганиш ва ишни кўриб чиқишга тайёрлаш. *Иккинчи босқич*

бевосита Конституциявий судда ишни кўриб чиқишни ўз ичига олади. *Учинчи босқич* Конституциявий суд қарорини қабул қилиш ва эълон қилишни назарда тутлади.

Муаллиф хорижий давлатлар (Арманистон, Россия, Қирғизистон) амалиётида конституциявий одил судлов органига мурожаат қилиш учун бож тўлови ундириш назарда тутилганлигини ижобий баҳолаб, бундай амалиёт асосиз конституциявий шикоятларни “филтлаш” чораси сифатида кўрилади. Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг конституциявий шикояти қаноатлантирилиб, муайян қонун нормаси Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда суд харажаатларини қайтариш (қоплаш) тўғрисидаги нормани киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

*“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қарорларининг норматив-ҳуқуқий ва доктринал хусусиятлари”* га бағишланган параграфда конституциявий ҳуқуқ фанида тўлиқ ўз ечимини топмаган илмий-назарий масалалардан бири конституциявий одил судлов органлари ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати, уларнинг нормативлик хусусияти ҳамда доктринал аҳамияти билан боғлиқ, деб таъкидланади. Ушбу параграфда конституциявий одил судлов органлар ҳужжатларининг юридик ва доктринал хусусиятлари тўғрисида конституционалист олимлар ўртасида муайян яқдиллик йўқлигига эътибор қаратилган.

Диссертацияда конституциявий суд ҳужжатлари юридик хусусияти бўйича иккига бўлинади. Биринчи, Конституциявий суд фаолиятини ташкил этиш, суд ишларини юритиш билан боғлиқ қабул қилинадиган индивидуал-ҳуқуқий ҳужжатлар. Бундай ҳужжатлар қарор ёки ажрим шаклида бўлиши мумкин. Иккинчи, конституциявий одил судловни амалга ошириш натижасида қабул қилинадиган, бевосита конституциявий судлов органлари томонидан императив шаклда қабул қилинадиган яқуний қарор. Мазкур қарор барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Диссертацияда россиялик олимлар В.А.Кряжков ва Л.В. Лазеревларнинг Конституциявий суд қарорлари ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида ўзига хос ўринга эга эканлиги, уларда ҳуқуқни қўлловчи ҳамда норма белгиловчи ҳужжатларга хос хусусиятлар мужассам, деган фикрларига асосланиб, Конституциявий суднинг норматив ҳужжатлар конституциявийлиги юзасидан қабул қилган қарорлари моҳиятига кўра норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ва ҳуқуқни қўлловчи ҳужжатларга хос хусусиятларга эга бўлган ҳужжатдир, деган хулосага келган.

Конституциявий суд қарорлари норматив ва доктринал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг норматив-доктринал табиати биргаликда уйғунликда намоён бўлади. Конституциявий суд қарорларининг норматив-доктринал хусусияти уларнинг ҳуқуқ манбалари тизимидаги икки жиҳати билан боғлиқ. Бир томондан, Конституциявий суд қарорлари конституциявий ҳуқуқ манбаси

ҳисобланади, иккинчи томондан, Конституциявий суд қарори муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ манбаси бўлиши мумкин.

Конституциявий суднинг қарори барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Мазкур талаблар Конституциявий суд қарори норматив-ҳуқуқий тусдаги юридик ҳужжат эканлигини белгилайди. Шунингдек, Конституциявий суд қарорининг норматив хусусияти “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг бир қатор нормалари (8-, 67-, 72- ва 73-моддалари) мазмунидан келиб чиқади. Мазкур ҳолатлар, диссертантнинг фикрича, Конституциявий суд қарорларини норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида таснифлаш учун асос бўлади.

Конституциявий суд қарорининг қатъийлиги ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмаслиги, конституциявий суд ҳужжатлари билан ҳуқуқий масалалар ҳал қилиниши (тартибга солиниши) орқали ҳуқуқнинг мустақил манбаси ҳисобланади. Конституциявий суднинг Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш тўғрисидаги ҳужжатлари доктринал-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, давлат ва ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ фанларининг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, тадқиқотчи Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ҳамда Конституция ва қонун нормаларига шарҳ бериш тўғрисида кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича якуний қарори “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида киритилишини таклиф қилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Хорижий мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили”**га бағишланган. Мазкур бобнинг *“Хорижий мамлакатларда конституциявий назорат моделлари ва конституциявий одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари”*ни ўрганишга бағишланган параграфида хорижий мамлакатларда конституциявий одил судловни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Конституциявий назорат институтининг асосий моделлари – европа ва америка моделлари ҳамда конституциявий назорат квазисуд органлари томонидан амалга ошириладиган француз моделларининг ўзига хослиги тадқиқ қилинган. Шунингдек, диссертацияда конституциявий назоратнинг Америка ва Европа моделларига хос бўлган айрим жиҳатларини ўзида мужассам этган ўзига хос “аралаш” модель ажратиб кўрсатилади. Бугунги кунда жаҳондаги 193 мамлакатдан 164 тасида конституциявий назорат институти мавжуд бўлиб, шундан 74 тасида конституциявий назорат Европа моделига асосланган, 48 тасида Америка модели, 30 тасида эса юқоридаги

икки моделга асосланган “аралаш” модель амал қилади<sup>6</sup>. Диссертацияда конституциявий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари муайян давлат ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, мамлакатда конституционализмни мустаҳкамлаш жараёнларида шаклланиб, қарор топганлиги кўрсатиб берилган.

Конституциявий назорат институтининг Европа модели анъанавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш ва Конституция нормаларини расмий шарҳлаш ваколатидан ташқари давлат ҳокимиятлар бўлиниши принципларини сақлаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган ваколатларга эга. Жумладан, сайлов ва референдум ўтказилиши қонунийлигини тасдиқлаш, давлат органлари ўртасида, давлат ҳокимиятининг марказий ва минтақавий органлари ўртасида ваколатлари тақсимланиши, сиёсий партияларни тугатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш конституциявий судлар ваколатига киритилган.

Конституциявий назорат институтининг моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари муайян давлат ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, мамлакатда конституционализмни мустаҳкамлаш жараёнларида шаклланиб, қарор топган.

Конституциявий назорат институтининг европа модели анъанавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш ва Конституция нормаларини расмий шарҳлаш ваколатидан ташқари ҳокимият бўлиниши принципини сақлаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган ваколатларга эга. Жумладан, сайлов ва референдум ўтказилиши қонунийлиги тасдиқлаш, давлат ҳокимиятининг марказий ва минтақавий органлари ўртасида ваколатларини тақсимлаш, сиёсий партияларни тугатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш конституциявий судлар ваколатига киритилган.

*“Хорижий мамлакатларда конституциявий шикоят институти моделларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили”* га оид параграфда конституциявий шикоят институтининг моделлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Конституциявий шикоят инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим институти бўлиб, Европа мамлакатлари “кашфиёти” ҳисобланади. Бинобарин, айрим мамлакатларда (Австрия, Германия, Испания, Польша) мазкур институт бевосита мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциявий шикоят институтининг моҳияти ва уни амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқиб муаллиф унга қуйидагича таъриф беради: Конституциявий шикоят фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан

---

<sup>6</sup> Қаранг: Арутюнян Г.Г. Конституционный суд в системе государственной власти. Сравнительный анализ. – Ереван: “Нжар”, 1999. 238 с. Электронная версия. [https://www.concour.am/pdf/uploads/621c81c08f8c0\\_008.pdf](https://www.concour.am/pdf/uploads/621c81c08f8c0_008.pdf)

бузилганда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлиги (Конституцияга мослиги)ни аниқлашни сўраб конституциявий одил судлов органига мурожаатидир.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судлари амалиётини умумлаштириш натижасида шундай хулоса қилиш мумкин: ҳозирги даврда конституциявий шикоят институти билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш конституциявий судларнинг энг муҳим функциясига айланган. Шу маънода хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш Ўзбекистонда конституциявий шикоятни самарали жорий этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Муаллиф хорижий мамлакатлар конституциявий судлари тажрибасига асосланиб конституциявий шикоят институтининг жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида иш ҳажмининг кескин ортиб кетишига олиб келади, деган хулосага келган. Бу, ўз навбатида, Конституциявий судга шикоят йўллашнинг аниқ тартиб-таомилларини белгилаб қўйиш, шикоятнинг мақбуллиги мезонларини белгилаш, Конституциявий суд девони ташкилий тузилмаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашни талаб қилади.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девонига фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларини дастлабки ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг қонун талабларига мувофиқлигини текшириш ваколатини бериш зарур, бу мурожаатларни “филтрлаш”нинг зарурий чорасидир, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда жорий этилаётган конституциявий шикоят институти шаклланиш ва қарор топиш босқичидан ўтмоқда. Келгусида фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини кенгайтириш учун “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга нафақат қонун юзасидан, балки бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонуности ҳужжатлар)нинг Конституцияга мувофиқлиги масаласида ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

*“Ўзбекистонда конституциявий суд назоратини такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишнинг долзарб масалалари”*га бағишланган параграфда хорижий мамлакатларнинг конституциявий назоратни амалга ошириш соҳасидаги илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш механизминини ишлаб чиқиш, конституциявий одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал тартиб-таомилларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Конституцияга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги масала билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий суд ва Бош прокуратура бериш, шунингдек, қонунга шарҳни парламентга

бериш, Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормаларига шарҳ беришини назарда тутиш тўғрисидаги таклифлар илгари сурилган. Айти пайтда Конституциявий суд томонидан қонун нормасига муайян ишда қўлланиши лозим бўлган қонуннинг конституциявийлигини текшириш жараёнида тегишли қонун нормасига казуал шарҳ бериш ҳуқуқини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги асосанган.

Диссертацияда Конституциявий судга сиёсий партияларни тугатиш тўғрисидаги ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари Конституцияга мувофиқ ўтганлигини тасдиқлаш ваколатини юклаш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари, яъни давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсат принципларини ўзгартириш референдум предмети бўлмаслиги керак. Шунингдек, Конституциянинг иккинчи бўлимида мустаҳкамланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгиловчи конституциявий нормаларда инсон ҳуқуқларини бекор қилишга ёки чеклашга олиб келувчи ўзгартиришлар референдум муҳокамасига қўйилмаслиги белгилаб қўйилиши лозим. Муаллиф референдум муҳокамасига қўйиладиган масалалар “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги Конституциявий суд томонидан дастлабки (превентив) назорат тартибида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблайди.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда конституциявий суд назоратининг шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ҳамда тадқиқот олдида қўйилган вазибаларни ҳал этиш натижалари куйидаги илмий-назарий хулосаларга келишга, конституциявий назоратни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суришга имкон берди.

### **I. Илмий-назарий хулосалар**

1. Конституциявий назорат институтининг ҳуқуқий ва илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш асосида конституциявий назорат тушунчасини куйидагича ифодалаш мумкин: “Конституциявий назорат – конституциявий одил судлов органининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда Конституция нормалари ва принципларига мувофиқлигини текшириш ва шу орқали Конституция устуворлигини, мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш, инсоннинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган фаолиятдир”.

2. Конституциявий назоратнинг моҳияти конституциявий қонунийликни таъминлаш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни сақлаш ва ўзаро тийиб туришда намоён бўлади. Шунингдек, Конституциянинг устуворлиги, унинг нормалари бевосита ва тўғридан тўғри амал қилишини таъминлаши, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаши билан давлатнинг ҳуқуқий тизимини ривожлантириш конституциявий назоратнинг моҳиятини белгилайди.

3. Конституциявий назоратнинг генезиси ва унинг ривожланиш жараёнларини ўрганиш натижасида бугунги кунда конституциявий назорат муттасил такомиллашиб бораётган комплекс институт деган хулосага келиш мумкин. Конституциявий назоратнинг ривожланиши давлат ҳокимияти тузилишининг мураккаблашиб бораётгани, ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этадиган ижтимоий муносабатларнинг кенгайиб бориши, давлат органлари ва ҳуқуқий нормаларнинг иерархиклиги, ҳокимиятлар бўлиниши, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш принципи билан узвий боғлиқдир.

4. Конституциявий назорат инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда таъминлаш ҳамда жамиятдаги турли кучлар ва манфаатлар ўртасида мувозанатни сақлаш функциясини бажаради.

5. Ўзбекистонда конституциявий назорат институти шаклланишининг биринчи босқичида тўпланган тажриба мамлакатда европа моделига асосланган конституциявий суд назорати институти вужудга келишига замин яратган. Буни Конституциявий назорат комитети фаолиятида қўлланган баъзи бир қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига “мерос” бўлиб ўтганлигида кўриш мумкин (Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан суд муҳокамасига масала киритиш ҳуқуқи, сиёсат соҳасидаги мутахассислар Конституциявий суд судьяси лавозимида сайланиши мумкинлиги).

Конституциявий назорат ривожланишининг иккинчи босқичи европа моделига асосланган конституциявий суд назорати институти шаклланиши билан характерланади. Бу босқичда Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини судьялар ташаббуси билан кўриб чиқадиган конституциявий одил судлов институти сифатида шаклланди.

Конституциявий назорат институти ривожланишининг янги даври (учинчи босқичи) 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳамда конституциявий шикоят институти жорий этилиши билан боғлиқдир.

6. Конституциявий шикоят институти жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билангина боғлиқ эмас, балки қонунлар сифати ва самарадорлигини ошириш, конституциявийлигини таъминлаш ва пировард



мақсадда мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

7. Конституциявий суд давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизимининг муҳим бўғинидир. Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриш натижасида Конституциявий суд давлат ҳокимияти тармоқларини Конституцияга зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишдан, пировард натижада давлат ҳокимияти суистеъмол қилинишидан тийиб туради.

8. Конституциявий суд ваколатлари бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганлиги Конституциявий суд бошқа олий давлат ҳокимият органлари – Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд билан бир қаторда давлат ҳокимияти органлари тизимида муҳим ўрин тутишидан далолат беради. Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳуқуқий тартибга солинганлиги конституциявий назоратнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

9. Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш натижасида бундай муносабатлар демократик мезонларга мос келади, деган хулосага келиш мумкин. Айни пайтда Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш унинг мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашдаги ролини кучайтиришни тақозо этади.

10. Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги ишлар бўйича қабул қилган қарори умуммажбурий ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусиятига эга. Конституциявий суд қарорларининг қатъийлиги ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмаслиги, ҳуқуқий масалалар ҳал қилиниши (тартибга солиниши) билан ҳуқуқнинг мустақил манбаси ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикасининг белгиланган тартибда ратификация қилинган ва кучга киритилган халқаро шартномалари мамлакат ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро шартномаларнинг конституциявийлиги бўйича назорат ўрнатилганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устуворлигини таъминлашнинг муҳим бир йўналиши бўлиб, бундай назоратнинг мавжудлиги Ўзбекистонда халқаро шартномалар қонунларга нисбатан юқори юридик кучга эга, Конституцияга нисбатан устуворликка эга эмас, деган хулосага келиш учун асос бўлади.

12. Конституция ва қонун нормаларини шарҳлаш тўғрисида Конституциявий суднинг қарори доктринал-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ соҳаларининг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилади.

13. Конституциявий суд ҳужжатларини юридик хусусияти бўйича иккига бўлиш мумкин.

Биринчи, конституциявий одил судловнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига ҳамда суд ишларини юритиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий хусусиятдаги қарорлар.

Иккинчи, конституциявий одил судлов натижасида императив шаклда қабул қилинадиган якуний қарор. Бундай қарорлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий характер касб этади.

14. Процессуал нуқтаи назардан конституциявий шикоят фуқаролар мурожаатлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш юзасидан конституциявий судлов ишларини юритишнинг алоҳида тури ҳисобланади.

15. Конституциявий судда мурожаатларни дастлабки тарзда ўрганиш ва уларни қонун талабларига мослиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида мустақил босқичи ҳисобланади.

16. Конституциявий назорат институтининг моделлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари муайян давлат ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиши, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, мамлакатда конституциявийликни мустаҳкамлаш жараёнларида шаклланиб, қарор топган.

17. Конституциявий шикоят тушунчасини қуйидагича таърифлаш таклиф этилади:

Конституциявий шикоят – фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан бузилганда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини аниқлашни сўраб конституциявий одил судлов органига мурожаатидир.

18. Конституциявий суд ишларини юритишда оғзаки эшитувлар ўтказмасдан ёзма ҳужжатлар асосида иш кўриш конституциявий суд ишларини юритишнинг алоҳида ташкилий шакли сифатида Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, конституциявий одил судловга эришишни енгиллаштириш, ишларни кўриш муддатларини қисқартириш имкониятини беради.

19. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг ҳамда халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш масаласи Конституциявий судга ким (қайси субъект) томонидан киритилиши мумкинлигини қонунда белгилаб қўйиш таклиф этилади. Мазкур масала бўйича Конституциявий судга мурожаат қилиш вақти ва шартларидан келиб чиқиб, бундай ҳуқуқ Президентга тегишли деган хулоса келиш мумкин.

20. Олий Мажлис палаталари томонидан норматив-ҳуқуқий характердаги қарорлар қабул қилиш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо қилади. Бунда парламент палаталарининг норматив-

ҳуқуқий характердаги қарорлари билан тартибга солинадиган масалалар, ижтимоий муносабатлар доирасини белгилаш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

21. Мамлакатда конституциявий назорат институти ривожланиши, унинг назарий асослари, конституциявий одил судловни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда олий юридик таълим муассасаларининг ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларига киритиш мақсадга мувофиқ.

## **II. Конституциявий назоратнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар**

1. Конституциявий суд судьяларининг тенглиги принципини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақиллигини кучайтириш мақсадида айтилган бир шахс Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд томонидан судьялар орасидан беш йил муддатга сайланиши, суд раиси ёки унинг ўринбосари икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги, улар ёзма аризасига биноан Конституциявий суд томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод этилишини қонунга киритиш таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялигига номзодга қўйиладиган талабларга олий юридик маълумотга ва юридик мутахассислик бўйича камида 15 йиллик иш стажига эга бўлиш талабини қонунда белгилаб қўйиш таклиф этилади.

3. Конституциявий суднинг фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини ошириш мақсадида конституциявий назорат субъектлари доирасига инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни киритиш таклиф этилади.

4. Конституциявий суд мустақиллигини кучайтириш, судьяларни ижтимоий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига Биринчи малака даражасини бериш масаласи судьялар томонидан мустақил равишда Конституциявий суд қарори асосида берилиши мақсадга мувофиқ.

5. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 83-моддасида халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонуннинг конституциявийлигини текшириш мезонлари ва доирасини белгилаб қўйиш таклиф этилади.

6. Сайловлар ва референдум Конституцияга мувофиқ ўтганлигини тасдиқлаш, давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатлар тақсимланиши (чегараланиши) билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш, сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишни Конституциявий суднинг ваколатига киритиш таклиф этилади. Бу соғлом сиёсий рақобат шаклланиши ва сиёсий жараёнларнинг конституциявий-ҳуқуқий доирада амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг конституциявийлигини дастлабки назорат тартибида кўриб чиқишни қонунга киритиш таклиф этилади. Мазкур масаланинг аҳамиятидан келиб чиқиб уни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи томонидан Конституциявий судга киритилиши мумкинлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

8. Референдум муҳокамасига қўйилаётган қонун лойиҳасининг конституциявийлиги масаласи Конституциявий суд томонидан дастлабки назорат тартибида кўриб чиқилиши, бунда Конституциянинг асосий принципларига зид эмаслиги ҳамда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи нормалар мавжудлиги Конституциявий суд томонидан аниқланишини белгиловчи тартиб ўрнатиш таклиф этилади.

9. Конституциявий суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш хусусиятини ўрганиш натижасида Конституциявий суд фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширади, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ қонун ҳужжатларида бу масала аниқ белгиланмаган. Мазкур масаланинг принципал аҳамиятидан келиб чиқиб уни қонунда аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

10. Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига расмий шарҳ берилиши, қонун нормаларига расмий шарҳни Олий Мажлис палаталари қўшма қарор қабул қилиш асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш натижасида қонун нормаларида аниқланган ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида шарҳ (казуал шарҳ) бериш ҳуқуқини сақлаб қолиш лозим. Бунда қонун нормасига шарҳ бериш Конституциявий суднинг бирламчи вазифаси эмас, балки конституциявий қонунийликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чора сифатида намоён бўлади.

11. Конституцияга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги масала юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, Олий суд ва Бош прокуратура бериш таклиф этилади.

12. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қонунда узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган конституциявий шикоят бериш муддатининг Конституциявий суд томонидан тиклаш асослари қонунда кўзда тутилиши керак.

13. Хорижий мамлакатлар конституциявий одил судлов органлари тажрибасидан келиб чиқиб Конституциявий судга мурожаат қилиш учун давлат божи ундириш тартибини жорий қилиш таклиф этилади. Шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг конституциявий шикоят асосида муайян қонун нормаси Конституцияга зид деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинганда тўланган давлат божини қайтариш (қоплаш) тўғрисида норма киритиш таклиф этилади.

14. Хорижий давлатлар тажрибасига асосланиб Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девонига фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини дастлабки тарзда ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаш ваколатини бериш зарур.

15. Конституциявий шикоят институтининг самарадорлигини ошириш ҳамда фуқароларнинг конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларга қонуности ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги масала юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

16. Конституциявий шикоятларни кўриб чиқишнинг процессуал хусусиятларини қонунда батафсил тартибга солиш, шикоятларни кўриб чиқишни рад этиш асосларини аниқ белгилаб қўйиш, шунингдек, қонуннинг “барча ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланган бўлиши” талабини объектив сабабларга кўра бажариб бўлмайдиган ҳолатларни ҳам қонунда назарда тутиш лозим.

17. Конституциявий қонунда конституциявий шикоятларнинг мақбуллиги мезонлари сифатида қуйидагиларни белгилаш таклиф этилади:

муурожаатчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлигини тасдиқловчи далилар;

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги ҳолати судлар томонидан кўриб чиқилганлиги, судда ҳимоя қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланганлиги;

муайян ишда қўлланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормаси билан Конституция нормаси ўртасида номувофиқлик мавжудлиги асослантилганлиги;

муурожаат судда ҳимоя қилишнинг барча имкониятларидан фойдаланиб бўлинганидан сўнг бир йилдан кечиктирмай берилган бўлиши керак.

18. Конституциявий шикоятларни кўриб чиқиш учун Конституциявий суднинг уч нафар судьясидан иборат учта ҳайъат (палата) ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Конституциявий суд ишларининг ҳайъатларда кўриб чиқилиши, ишни кўришни тезлаштириш, иш ҳажмини мақбуллаштириш имконини беради. Шу билан бирга, қонунда Конституциявий суд судьяларининг тўлиқ таркибида кўрилиши шарт бўлган масалалар ҳам аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

### **III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар**

1. Конституциявий суднинг мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахбороти юзасидан муайян муддатда тегишли чора-тадбирлар кўришни белгилловчи норма қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108- ва 109-моддалари ўртасидаги номувофикликни бартараф этиш зарур. Конституциянинг 108-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда бериш таклиф этилади: “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради”.

3. Давлатнинг ижро ҳокимияти органлари тизимига кирадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан умуммажбурий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатини чеклаш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

4. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасини Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон иштирокчи бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишига қўйилган талабларга биринчи навбатда тегишли халқаро шартноманинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи ўрганилиши тўғрисидаги норма билан тўлдириш таклиф этилади.

5. Процессуал қонунларга янги ҳолат институтини киритиш, бунда янги ҳолат сифатида суд ҳужжати қабул қилингандан кейин вужудга келган, лекин ишни тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни эътироф этиш лозим. Фуқаролик процессуал кодекси (437-моддаси), Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (269-моддаси), Иқтисодий процессуал кодекс (327-моддаси)га янги ҳолат тушунчасини киритиш ҳамда Конституциявий суднинг қарорини янги ҳолат бўйича ишни қайта кўриш асосларидан бири сифатида белгилаш таклиф этилади.

6. Конституциянинг 44-моддасида белгиланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги конституциявий норма талабидан келиб чиқиб ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиб “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига прокурор қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкинлигини белгилаб қўйиш таклиф этилади.

7. Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлиги ҳамда Конституция ва қонун нормаларига шарҳ

бериш тўғрисидаги қарорларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга киритиш таклиф этилади.

8. Конституциявий суд қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурий характер касб этишидан келиб чиқиб, Конституцияга зид деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида қарор қабул қилган давлат органлари томонидан уларни қайта кўриб чиқиш мажбуриятини қонунга киритиш зарур.

9. Қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш юзасидан конституциявий суд ишларини юритишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати тенг мақомда тараф сифатида жалб этилиши керак. Зеро, қонун қонунчилик ҳокимиятининг “маҳсули” бўлиб, уни қабул қилиш парламентнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддасида Олий Мажлис палаталари Президент томонидан Конституциявий суд билан келишилган ҳолда қабул қилган қарори асосида тарқатиб юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимиغا номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлаши ва Конституциявий суд билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишини мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

12. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига биноан барча судьялар бир хил мақомга эга эканлигини эътиборга олиб, умумий юрисдикция судлари судьяларига Конституциявий судга муайян ишда қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида муружаат киритиш ҳуқуқи берилиши керак.

13. Давлат ҳокимияти органларининг Конституциявий судда (ваколатли) вакиллиги институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосан конституциявий назорат субъектлари: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд ва Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ваколатли вакилларини белгилаш амалиётини киритиш таклиф этилади.

14. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, ҳоким қарори “Президент томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин”лиги тўғрисидаги норма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддаси биринчи қисми 16-бандига тўлиқ мос келмайди. Чунки ушбу конституциявий норма Президент томонидан давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун

хужжатлари нормаларига номувофик бўлган ҳолларда тўхтатиш, бекор қилиш ваколатини мустаҳкамлайди.

